







МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИДАН

ВАЗИФА МУВАФФАҚИЯТЛИ УДДАЛАНМОҚДА



У ҳамкасблари орасида анча ёш бўлсада, «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика куриктанловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. Республика босқичида эса «Энг фаол иштирокчи» номинацияси бўйича тақдирланди. «Наврўз»да аҳоли турмуш маданиятини ошириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Аёллар ва ёшлар уртасида тарбиёт ишларининг кучайтирилгани натижасида маънавий-ахлоқий муҳит яхшиланиб, кейинги уч йилда ҳуқуқбузарлик ва йўлъялғарчилик юз бергани йўқ.

Дўстлик туманидаги «Наврўз» шаҳарча фуқаролар йиғини аҳолисининг турмуш фаровонлиги ва маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, баркамол ва етуқ авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган ибратли ишларда шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зилола Юсупованинг хизматлари катта бўлмоқда.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

Минтақавий босқич баҳслари қизгин



Болалар ва ўсмирлар футболни янада ривожлантириш, ёшлар уртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва улар орасидан истеъодлиларни аниқлаш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ўтган ҳафтада «Футболимиз келажаги» республика кубоги минтақавий босқичининг «А» гуруҳидаги баҳслар якунланди. Нуқс

раси Салтанат Эргашева, — Шаҳарчадаги фарзанд куриш ёшидаги ёшлар тулик тиббий назоратта олинишида ҳам унинг хизмати катта. Бу йилда фуқаролар йиғинида «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида кўлаб суҳбатлар, тушунтириш ишлари ўтказишларида маслаҳатчи ҳам мувофиқлаштирувчи, ҳам ижрочи вазифасини ўтаётди.

Шаҳарчада давр синовларидан ўтган миллий, диний қадриятлар, маърифий, ҳуқуқий билимлар тарбиотига бағишланган турли тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Маслаҳатчининг ташаббускорлиги билан «Энг обод хонадон», худуддаги касб-ҳунар коллежи, мактаб, болалар босқисидида «Орастас қизлар», «Сиз, Конституцияни биласизми?» каби куриктанловлар мунтазам ташкил этилаётди.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ўта масъулиятли вазифа, — дейди мазкур йиғин раиси Умнат Тўйчиев. — Зилола Юсупова уни муваффақиятли уддалаётди.

Бек НАЗАР «Mahalla»

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Нуронийлар эъзозу эътиборда

Юртимизнинг 22 йиллик айёми ҳамда муборак Рамазон ойи муносабати билан «Нуроний» жамғармасининг Олтириқ тумани бўлими томонидан 100 ёшдан ошган отахон ва онахонларимиз ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар ҳадя этилди.

— Ҳаёт машаққатларида тобланган, яхши-ёмон кунларга гувоҳ бўлган бундай кексаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди жамғарманнинг туман бўлимчиси Раиса Ҳотамжон Иброҳимов. — Айни чоғда туманимизда 100 ёшдан ошган 29 нафар нуроний истиқомат қилади. Ҳар бир байрам, шонли саналар арафасида бу табарруқ инсонлар ҳолидан хабар олиб тураемиз. Зеро, улар ҳар қанча эъзозга лойиқдирлар.

Дарҳақиқат, кексалари ардоқланган юртда барака бўлади. — Ёшим 120 га етди. Ўн икки ёшимдан бошлаб жамоа ҳўжалигида меҳнат қилдим. У пайтдаги ҳолат билан бугунги кундаги шарт-шароитлар орасида ер билан осмонча фарқ бор, — дейди шу туманда яшовчи Хайрихон момо Мамажонев. — Турмуш ўртоғим Мулламамажон ҳам умри меҳнат билан ўтган эди. Саккиз фарзандни биргаликда тарбияладик. Аллоҳга минг бор шукрлар қиламан, шу дорилмомон кунларга етказганига. Утил-қизларим, невараларим, чевараларим тинч-осуда ҳаёт кечирашпти. Биз кексаларнинг қўлимиз доимо дуода: юртимиз тинчлиги, элимиз фаровонлиги, Ватанимиз ободлигини тилаймиз. Осуда ҳаётимизга кўз термасин, юртимиз бундан ообод бўлсин.

Ҳа, мамлакатимизда нуронийлар доим давлатимиз ва халқимиз эъзозиди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси.

КҮРИК-ТАНЛОВ

Мафтункор ранглар ЖИЛОСИ

Жиззах шаҳридаги 1-сон музика ва санъат мактабидан ногирон болалар уртасида тасвирий санъат бўйича анъанавий «Мафтункор ранглар жилоси» республика куриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



вирий санъатнинг расм чиши йўналишида узининг иқтидорини намойиш этди. Пахтакор туманидан келган Шаҳноза Эргашева биринчи ўринни эгаллаб, куриктанловнинг республика босқичига йўланма олди. Иккинчи ўрин форшлик Ирода Сорабековага, учинчи ўрин Жиззах шаҳри вакили Муҳлисани Сандовага насиб этди. Шунингдек, бир неча номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Куриктанлов голиблари ва иштирокчиларига ташкилотчилар ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Муҳбиримиз.



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (очик акциядорлик жамияти)

«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Table with 4 columns: Филиаллар номи, Телефон рақамлари, Филиаллар номи, Телефон рақамлари. Lists various branches like Қўрақалпоғистон, Андижон, Фарғона, etc.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ) кўп каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами: (8-371) 120-82-88.

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) — ОБОД ТУРМУШ ВА ҲАЁТ ХИЗМАТИДА!



Поезд ҳалокатга учради

Испаниянинг шимоли-ғарбида йўловчи поезд ҳалокатга учраши оқибатида 77 киши қурбон бўлган, 143 нафар йўловчи жароҳатланган.



«Frans-Press» ахборот агентлигининг хабар бери-

шича, 13 та вагон ағдарилиб кетган, охиридан битта олдинги вагон эса бутунлай вайрон бўлган. Поездга шу кунни машинист ва хизмат ходимларидан ташқари 218 нафар йўловчи чиққан эди. Поезд тезлигининг ҳаддан зиёд оширилгани ҳалокатга сабаб бўлган.

Заводда ёнғин

Жанубий Кореянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Samsung Electronics» компаниясида ёнғин содир бўлди.



Сеудан 40 км. узоқликда жойлашган завод-

нинг ишлаб чиқариш линияларидан бирида юз берган ёнғинни бартараф этишда 15 та ўт учиритувчи иштирок этди. Жабрланганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ёнғиннинг сабаби ва келтирилган зарари бўйича текширувлар бошланди. Компания 2013 йилнинг илк чорагида смартфонлар савдоси бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган.

Денгиз тубидаги хазина

Америкалик қимматбаҳо буюм изловчилар денгиз тубидан умумий қиймати 35 миллион долларли қумуш металл қўймаларини топишди.



Улар 1941 йилда чўкиб кетган «Gersoppa» кемасига тегишли эди.

Калькутта портидан қумуш ортилган юк билан йўлга чиққан кемани немис сувости кемаси Ирландия қирғоғига чамаси беш юз километр қолганида чўктириб юборган. Ҳозирда 99 фоиз қумуш қўймалар роботлар ёрдамида олиб чиқилди. Хазинанинг беҳдан бир қисмини Британия ҳукумати олади, қолгани эса хазина изловчиларга тегади.

Интернет маълумотлари асосида Саодат МИРЗАХМЕДОВА тайёрлади.

Mahalla magazine footer with contact information, ISSN, and publication details.